



ISSUES OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF THE FOUNDATIONS OF INDEPENDENT POLITICAL DEVELOPMENT IN THE CONDITIONS OF TRANSFORMATION OF GEOPOLITICAL PROCESSES

Alisher Narimanovich Nazarov

Associate Professor, Doctor of Philosophy in Political Science (PhD)

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: political development, civilization, democracy, inner civilization dialogue, world system, new world order.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: This scientific article examines the main factors of sustainable political development, as well as scientific approaches and conceptual ideas related to this phenomenon.

ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ШАРОИТИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА МУСТАҚИЛ СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Алишер Нариманович Назаров

доцент, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент давлат шарқиунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: сиёсий тараққиёт, цивилизация, демократия, цивилизациялараро мулоқот, дунёвий тизим, янги дунёвий тартибот.

Аннотация: Ушбу илмий мақолада барқарор сиёсий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, йўналишларини акс эттиришга қаратилган турли ёндашувлар ҳамда замонавий сиёсий тараққиёт ҳодисасининг муҳим омиллари, унга доир концептуал ғоялар ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

ПРОБЛЕМЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И УКРЕПЛЕНИЯ ОСНОВ НЕЗАВИСИМОГО ПОЛИТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ ГЕОПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ

Алишер Нариманович Назаров

Доцент, доктор философии в области политических наук (PhD)

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: политическое развитие, цивилизация, демократия, межкультурный диалог, мировая система, новый мировой порядок.	Аннотация: В данной научной статье рассмотрены основные факторы устойчивого политического развития, а также научные подходы и концептуальные идеи, связанные с данным явлением.
--	--

КИРИШ

Инсоният ҳаётининг ҳозирги даври ўз моҳиятига кўра, трансформация жараёнларини бошидан кечирган ва шу боис ҳам жиддий ўзгарган геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнларнинг ўзаро қўшилиши натижасида вужудга келган воқеликдан иборатдир. Мазкур тарихий даврнинг барча сиёсий хусусиятлари ва оқибатлари тўғрисида халқаро ҳамжамият томонидан тугал ҳулосаларнинг ва айниқса, консенсуснинг мавжуд эмаслиги туфайли, дунёнинг турли бурчакларида учраб турган инқироз ҳолатларининг туб моҳиятини англаш ҳамда замонавий дунёвий тартибнинг шаклланиши ниҳоятда қийин кечмоқда. Боз устига ер юзининг турли ҳудудларида кутилмаганда пайдо бўлаётган зиддиятли вазиятлар қисқа муддатда глобал тус олмоқда. Ушбу ноҳуш ҳолатлар жамиятнинг барча соҳаларига тез суръатлар билан тарқалмоқда.

Мазкур вазиятда инсониятнинг тараққиёти учун зарур бўлган омиллар, шароитларни қайтадан англаш, тасаввурларни кенгайтириш билан боғлиқ илмий муаммолар ҳам кун тартибига чиқмоқда. Бу ўринда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимида яққол кўриниб турган ўсиб боровчи беқарорлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратишлик ҳам муҳим бўлиб турибди. Бундай ҳулосаларнинг чиқарилиши учун албатта, кўплаб асослар мавжуд.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, ҳозирги дунё глобал ўзгаришлар ниҳоятда тез рўй бераётган даврни ўз бошидан кечирмоқда. Ушбу жараёнда глобал барқарорликни таъминлаш вазифаларининг кўлами ҳам ниҳоятда ортмоқда. Демак, муаммони таҳлил қилишда, тегишли ҳулосалар ва тавсияларни ишлаб чиқишда масаланинг бу жиҳатига доимо эътибор бериш лозим бўлади. Ушбу ҳолатни назардан қочириш нафақат нотўғри илмий ҳулосаларнинг чиқарилишига, балки шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган халқаро шароит амалиётидан сунъий узоқлашишга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёдаги вазиятни ўрганиш ва баҳо беришда ўта тез суръатлар билан рўй бераётган ўзгаришлар хусусиятига кўпроқ эътибор бериш, шунингдек, глобал ва минтақавий муаммолар ўртасидаги ички боғлиқликлар ва турли минтақалардаги зиддиятларнинг бир-бирига ниҳоятда ўхшашлиги ҳолатига жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу факторларни ҳисобга олмасдан туриб ҳозирги дунёнинг мураккаб манзарасини тасаввур қилиш ва илмий асослаш ниҳоятда мушкулдир. Ушбу умуминсониятга дахлдор бўлган муаммолар ҳозирги вақтда БМТнинг етакчи назарий концептуал муаммолари доирасига киритилгани ҳам бежиз эмас. Маълумки, жаҳондаги вазиятнинг хусусиятлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда, асримизнинг иккинчи ўн йиллигига келиб, барча халқлар ва мамлакатларнинг манфаатларини кўзловчи янги универсал стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратила бошланди.

Инсон потенциалини ривожлантириш борасидаги умумий ғоянинг таркибий қисми сифатида “2015 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Саммитида бутун инсоният учун аҳамиятли бўлган воқеа содир бўлди. Унга кўра, Минг йиллик тараққиёт мақсадлари дастури ўрнига (Millennium Development Goals) 2016-2030 йилларга мўлжалланган барқарор тараққиёт мақсадлари дастури (Sustainable Development Goals) қабул қилинди”[1]. Мазкур универсал стратегик дастурнинг қабул қилиниши ҳозирги вақтда инсониятнинг барқарор сиёсий тараққиёти ва у билан боғлиқ бўлган масалалар дунёнинг энг асосий муаммоси сифатида эътироф этилганлигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари дастури ўз моҳиятига кўра, бутун дунё ҳамда сайёрамиздаги барча мамлакатлар миқёсидаги тараққиёт мақсадларини ўз ичига қамраб олишни назарда тутди. Шу боис халқаро экспертлар ушбу дастурни инсониятнинг XXI асрнинг ҳужжати, деб атамоқдалар. Белгилаб олинган мақсадларга кўра, мазкур хартия БМТнинг кейинги ўн беш йил давомидаги глобал даражадаги фаолиятини йўналтириб туради. Глобал ҳамкорлик асосида барқарор тараққиётнинг заминларини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни кўзловчи мазкур дастур ўз доирасига юксак даражада ривожланган давлатларни ҳам, эндиликда ривожланиш йўлига ўтишга интилаётган мамлакатларни ҳам бирдек эътиборга олинишини кўзлайди.

Маълумки, “2012 йилнинг 20-22 июнь кунларида БМТнинг Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида барқарор тараққиёт мақсадлари дастури БМТнинг тараққиёт борасидаги фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши, тараққиёт борасидаги барча интилишлар, куч-қувват манбаларини ягона мақсад сари йўналтирувчи фойдали восита бўлиши ҳақидаги фикрлар билдириб ўтилган эди”[2]. Зеро, барқарор

тараққиёт мақсадлари дастурида глобал кўламдаги мақсадлар билан айрим олинган мамлакатларни тараққиёт борасидаги мақсадларини ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилинган. Ушбу ҳолат халқаро миқёсда қабул қилинадиган ҳужжатларда шу пайтгача учрамаган эди. Таъкидлаш жоизки, БМТнинг мазкур ҳужжати замонавий халқаро муносабатларнинг ва халқаро ҳуқуқнинг, халқаро конвенциялар ҳамда шартномалар қабул қилинишининг етакчи асоси ва манбаи бўлиб хизмат қилиши режалаштирилган. Ушбу режаларнинг амалга оширилиши дунё миқёсида ва айрим олинган мамлакатлар доирасида сиёсий тараққиётнинг янги имкониятлари ва заминлари вужудга келтирилишига самарали хизмат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан БМТнинг ташаббуси билан ташкил қилинган “ишчи гуруҳи томонидан барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича 17 та конкрет мақсад ва унинг асосида 169 та вазифаларни асослаб берилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз моҳиятига кўра, универсал хусусиятга эга бўлган ушбу мақсад ва вазифаларда глобал ҳамда миллий давлатлар доирасидаги шароитларни ҳисобга олиш масалалари етакчилик қилади. Жумладан, асослаб берилган мақсадларнинг ўн еттинчи йўналишида барқарор тараққиётга эришиш воситаларини мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиёт манфаатлари йўлида глобал ҳамкорлик механизмларини фаоллаштириш вазифалари белгилаб қўйилди”[3]. Эътироф этиб ўтиш жоизки, замонавий дунёнинг барқарор тараққиётга эришиши объектив зарурат эканлигига ҳеч ким шубҳа билдирмаётган бир вазиятда, бундай тараққиёт олдида турган муаммоларни туб томиригача тўғри англаш ва уларни бартараф қилишнинг энг самарали йўллари ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш ҳам объектив талаб сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳон цивилизациясининг ХХI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаги ҳаётий тажрибаси кўрсатиб турганидек, глобаллашув инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Эндиликда уни инкор қилиб ҳам ёки ундан воз кечиб ҳам бўлмайди. Зеро, глобаллашув мамлакатлар, халқлар ҳаёти билан доимо йўлдош бўлиб юрувчи ажралмас факторга айланди. Ёки бўлмаса инсониятнинг ҳаёт тарзи объектив равишда глобаллашувни тақозо қилмоқда. Нима бўлганда ҳам глобаллашув инсоният цивилизациясидан чуқур ўрин эгаллаб улгурди. АҚШлик сиёсат арбоби Г.Киссинджер бу хусусида шундай таъкидлаган эди: “Халқаро тартиботнинг бугунги кундаги муваффақияти кўп жиҳатдан глобаллашувнинг ғалабасига боғлиқдир. Лекин глобаллашув тараққиёт тенденцияларига зид келувчи янги муаммоларни ва сиёсий муносабатларни келтириб чиқармоқда. Турли давлатлар ҳукуматлари глобаллашув жараёнларини ўзларининг миллий манфаатлари фойдасига буриб юборишга ҳаракат қилиб унга янада

кескинроқ равишда зиддият омилларини киритилишига туртки бермоқдалар”[4]. Боз устига глобаллашувнинг иқтисодий йўналиши билан сиёсий йўналиши ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзаро муносабатлик мавжуд эмас. Бундай вазиятда глобаллашув таркибининг ўзида ҳам потенциал равишда кескинлик ҳолатининг манбалари доимо сақланиб турибди.

Шу боис ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири глобаллашув жараёнларини тартибга солиш, унинг ички тизимини уйғунлаштириш ва инсоният тараққиётининг энг долзарб вазифалари амалга оширилишига ижобий таъсир қилувчи факторга айлантирилиши билан боғлиқ бўлиб турибди. Зеро, глобаллашувни дунё миқёсида тўхтатиш ёки бартараф қилишнинг иложи йўқ экан, демак ундан инсоният манфаатлари йўлида фойдаланса бўладиган самараларни излаб топиш ва унинг бағридаги салбий жиҳатларни имкон қадар камайтириб бориш ва пировардида тўлиқ бартараф қилинишига эришишлик ўз навбатида, одамзод тақдирини белгилаб берувчи масаланинг ечилишини англатади.

Даврнинг бундай талабига муносиб жавоб бера оладиган давлатларгина мустақил сиёсий тараққиёт имкониятларини сақлаб қолиши мумкинлигини замонамизнинг кўпгина тенденциялари исботлаб турибди. Боз устига глобаллашув бугунги кунга келиб кўп жиҳатдан янги бўлган хусусиятлар билан намоён бўлмоқда. Гарчанд бир пайтлар АҚШлик олим М.Маклуэн башорат қилганидек, “глобаллашув дунёни ягона “глобал кишлоққа” айлантириб юбора олмаган бўлса-да”[5], лекин ушбу ҳодиса туфайли инсоният тараққиёт асосларини доимий равишда қайта ва қайта кашф қилиб боришига мажбур бўлмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ҳодисасининг кўпгина факторларини ҳисобга олган ҳолда, олимлар ва халқаро экспертлар унга нисбатан неоглобализм атамасини қўлламоқдалар. Айрим мутахассис олимлар томонидан “иккинчи глобаллашув, деб аталаётган замонавий янги глобаллашув ўз моҳиятига кўра инсониятнинг асрлар давомида интилиб келган адолатли жамият ҳақидаги мақсадлари билан ҳамоҳанг эмас. Таъкидлаш жоизки, неоглобализм аввалги ҳолатдаги глобализмдан ўзининг стратегик мақсадлари билан ҳам фарқ қилмоқда. Аслида АҚШ сиёсий доктринаси сифатида шаклланган неоглобализм ғоясининг мақсадлари кўпроқ дунёнинг ривожланган мамлакатлари, Ғарб ва АҚШнинг сиёсий, иқтисодий манфаатлари устуворлигини таъминлашга асосланади”[6]. Шу боис ҳам неоглобализм мафкураси инсоният олдига янги таҳдидларни кўймоқда.

Аммо неоглобализмнинг маддоҳлари зўр бериб бундай ҳолат ижобийлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Ваҳоланки, неоглобализм ўз моҳиятига кўра, дунё миқёсидаги адолатсиз халқаро муносабатларнинг кенгайишига хизмат қила бошлади. Ундан келиб чиқадиган

хавф-хатарлар албатта, инсониятнинг барқарор тараққиётига жиддий зарар келтириб бориши турган гап. Глобаллашув хусусиятларини бундай кескин ўзгариб кетиши албатта, жаҳонда иқтисодий тенгсизликни ҳам кучайтириб юбормоқда. Глобаллашувнинг иқтисодий йўналишдаги ўзгаришлари натижасида мутахассис экспертлар башорат қилаётганларидек, “2035 йилга бориб дунёнинг молиявий ресурслари Англия – Америка тасарруфидан ташқарида бўлган минтақалар доирасида концентрациялашади”[7]. Натижада глобал тенгсизликнинг янги моделлари пайдо бўлиш эҳтимоллари ортиб кетади. Бундай ҳолат эса жаҳонда сиёсий беқарорлик учун салбий манба вазифасини ўтайди. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, глобаллашувнинг сиёсий йўналиши билан иқтисодий йўналиши ўртасида генетик боғлиқлик мавжуд. Шу боис бир йўналишдаги салбий вазият албатта, иккинчисида акс этади.

Боз устига глобаллашувнинг ҳозирги кундаги модели ёки иккинчи глобаллашув жаҳоннинг турли ҳудудлари эҳтиёжларини бирдек ижобий равишда қамраб олувчи факторга айлана олмади. Масалан, “Шарқ мамлакатларида рўй бераётган реал жараёнлар энг муҳим масалаларда глобаллашувнинг Ғарбга хос бўлган концепцияларидан кескин фарқ қилади”[8]. Бундай ҳолат ўз навбатида, ҳозирги глобаллашувнинг моҳияти ҳақидаги карашлар ва ёндашувларни ҳам тубдан ўзгартирилишини тақозо этмоқда.

Эндиликдаги вазият шундайки, гарчанд глобаллашувнинг акторлари бўлиш учун етарли даражадаги куч ва имкониятларга эга бўлган янги марказлар вужудга келаётган бўлса-да, Ғарбга хос бўлган анъанавий дунёқараш ва ғарбона манфаат устуворлигини таъминлаш борасидаги худбин интилишлар мутлақо пасайгани йўқ. Бундай шароитда инсоният учун мутлақо кераксиз ва зарарли бўлган Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муросасиз кескинликларнинг янги ўчоқлари пайдо бўлаверади. Ушбу вазият албатта, дунё мамлакатларининг мустақил сиёсий тараққиётига жиддий хавф солади. XXI асрдаги янги глобаллашувнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиб АҚШлик олим С.Хоффман, “глобаллашув ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзловчи давлатлар ёки хусусий фойдаланувчилар қўлидаги воситадир”,[9] деб таъкидлаган эди. Албатта, ушбу муаллифнинг фикрларида маълум даражада бўрттириб юбориш ҳолати кузатилса-да, айти пайтда жиддий асослар мавжуд. Демак, бугунги кунда янги глобаллашув ҳодисасини восита эмас, балки ҳақиқий мазмундаги объектив жараёнга айлантириш ва ундан тараққиёт йўлида фойдаланиш ҳаётий муҳим вазифага айланди.

ХУЛОСА

Юқоридаги билдирилган таҳлилий фикрларга таянилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда умумжаҳон сиёсий маданиятининг факторларини демократик

принциплар асосида янгилаш ва ундан XXI асрдаги глобал стратегик барқарорликнинг манбаи сифатида фойдаланиш сув билан ҳаводек зарур бўлмоқда. Шу боис ҳам неоглобализмнинг ҳозирги босқичида сиёсий маданият, хавфсизлик ва тараққиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ниҳоятда кучайиб кетди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бобылев С., Соловьева С. – ООН: Смена целей // Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 2016. №5. – С. 30.
2. Report of the United Nations Conference on Sustainable Development // Rio de Janeiro, Brazil, 20-22 June, 2012. 126 p. Available at <http://www.uncsd.org/content/documents/814UNCSD>.
3. Соловьев Э. Возрождение истории и проблема формирования нового миропорядка // Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 2016. №5. – С. 108.
4. Кулагин В. Мир в XXI веке: многополюсный баланс сил или глобальный Pax Democratic гипотеза «демократического мира» в контексте альтернатив мирового развития // Полис. – Москва: 2000. №1. – С.24.
5. Савицкая Т. Глобализация-2, заметки на полях монографии // Полис. – Москва: 2001. №5. – С. 158.
6. Дынкин А., Барроуза М. Глобальная система на переломе: пути к новой нормальности // Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 2016, №8. – С. 7.
7. Мосяков Д. Страны Востока и кризис современной модели глобализации // Полис. – Москва: 2015. №6. – С. 33.
8. Вебер А. Политика мирового развития: между реальностью глобализации и императивом устойчивости // Полис. – Москва: 2003. №5. – С. 39.
9. Никитин А. Новая система отношений великих держав XXI века: “концерт” или конфронтация? // Полис. – Москва: 2016. №1. – С. 54-55.
10. A.Nazarov “CHALLENGES TO UZBEKISTAN’S SECURE AND STABLE POLITICAL DEVELOPMENT IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION” Journal on International Social Science Vol.1, No.1, 2021 Pages 26-31.
11. Алишер Назаров. ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТАРТИБОТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ. Oriental Journal of History, Politics and Law Vol.2, 2022 Pages 21-25.